Ўқинг, ўқинг...

Миш-миш ва ҳақиқат

# Трамвай келмайдими?

*Ҳурматли таҳририят!*

***Мен «Кўкча» деҳқон бозорининг яқинида яшайман. Хизмат жойим эса Амир Темур хиёбонида жойлашган. Ишга бориб-келишда трамвай қатновидан фойдаланар эдим. Лекин Навоий кўчаси бекилиб, озгина қийинчилик туғилгандай бўлди. Айтишларича, трамвай йўли умуман олиб ташланар эмиш. Шу гаплар ростми?***

**Р. ҲОТАМОВА, ишчи.**

**—Трамвай йўли олиб ташланармиш, деган гапда асос йўқ, — дейди Тошкент шаҳар ободонлаштириш Бош бошқармаси ободонлаштириш объектларини қуриш бўйича директор муовини Собир Шермуҳамедов. —Шаҳар ҳокимининг қарорига биноан ушбу кўчада таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда. Режага мувофиқ трамвай ва бошқа автомобиллар қатнайдиган йўллар замон талабларига мослаштирилади.Натижада Навоий кўчаси пойтахтимиздаги текис, равон ва энг чиройли йўллардан бири бўлади.**

**Ғофур ЖАБИЕВ тайёрлади.**



***Болалигим — беғуборлигим...***

**Нўъмонжон МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат.**

Ниҳол

# ВАТАН

*Туғилганимдан то шу кунга қадар,*
*Кўп нарсалар топдим, кўпни йўқотдим.*
*Йўқолдиқлар билан ўксинсам агар,*
*Топилдиқлар билан ўзни юпатдим.*

*Эсанкираб қолдим илк йўқотувдан,*
*Ногоҳ ўғирлатдим ёшлик — эркимни.*
*Шунда хаёлимни тортқилаб бирдан*
*Юрагим ортига бир қиз бекинди.*

*Кейин дўст орттирдим ҳамроҳ деб йўлда,*
*Улар ҳам қайтмади кетиб ҳар томон.*
*На чора, кўникдим, далдам шу бўлди:*
*Мен ахир ўзимга етиб ортаман.*

*Соғиниб сиқташга йўқ бунда ўрин,*
*Бирини йўқотиб, бирини топдим.*
*Ғойибни изласам, ундан ҳам зўри —*
*Дуч келиб, жой ола бошлайди қалбдан.*

*Айни дамда эса топганим — Ватан,*
*Унинг номи билан аталгувчи бахт.*
*Мен уни ҳаммадан, ҳамма нарсадан*
*Азиз англамоғим, асрамоғим шарт.*

*Истамасман бошқа йўқотмоқликни,*
*Бошқа топмоқни ҳам қилмасман орзу.*
*Бу шиддатли сўзлар юракнинг ҳукми,*
*Кўксим кенглигида тонгдай ёришув.*

**Ориф ТЎХТАШ.**

# Эсим қурсин

## Ҳажвия

Эсим қурсин, ишга кетяпману хаёлим уйда — эшикни бекитдимми-йўқми, ҳеч эслолмайман. Ишхонамга кирдиму ортимга қайтдим. Хайрият, эшигимиз қулфланган экан. Бироқ миямга келган фикрдан чўчиб кетдим. Ахир, соат ўнда мажлис эди-ку! Бошлиқдан эшитадиганимни эшитадиган бўлдим-да. Шошиб етиб келсам, ҳаммаёқ жимжит.

— Қанақа мажлис? — ҳайрон бўлди котиба қиз елка қисиб. Бугун ҳеч қанақа йиғилиш йўқ.

— Э-ҳа, эсим қурсин... мактабга ота-оналар мажлисига чақиришувди, шекилли.

Ие, ота-оналар мажлиси кеча ўтди-ку, — бир-бирларига қараб жилмайишди мени танийдиган ўқитувчилар.

— Эсим қурсин, яна адаштириб юборибман-а. Бундан кейин мажлис бўлса, албатта, қўнғироқ қилинглар. Кейин эслаб қолдим, ахир уйимизда телефон йўқ эди-ю.

Бир куни уйга келиб қўнғироқ тугмачасини боссам, эшикни биздан бир қават пастда турадиган қўшни аёл очди. Қўшни бирор юмуш билан бизникига чиқибди-да деб:

... — Ие, келинг қўшни, — дебман.

— Ўзингиз келинг, тинчликми?..

Шунда шошиб эшик пештоқидаги рақамга қарадиму...

— Э-э, эсим қурсин, узр. Бизнинг уй учинчи қаватда эди, а? — дея олдим, холос.

Яқинда қизчамни олиб келиш учун боғчага бордим. Тарбиячилар қизимни топиб беришолмайди, денг. Нуқул «бизда унақа бола йўқ» дейди. Жанжаллашишимга сал қолди. Лекин кейин билсам, (эсим қурсин) бошқа болалар боғчасига борган эканман.

Яна бир куни ишдан қайтишимда автобусга чиқдим. Кетаяпмиз, кетаяпмиз, ҳеч етмаймиз манзилга. Ие, ишхонамиз билан уйимиз оралиғида тўрттагина бекат бор эди-ку! Шу десангиз, тескари йўналишда кетаётган автобусга чиқиб олган эканман. Ҳар қалай айлантириб-айлантириб, охири маҳалламизга опкеп қўйди.

Уйга кириб айтсам, хотинимнинг қувончдан кўзлари чарақлаб кетди.

— Ҳай-ҳай-ҳай, мабодо, бошқа машинага чиқиб кетиб қолганингизда сизни қаёқлардан излаб юрардик. Ҳар қалай, тескари тарафга кетаётгани бўлсаям, ўзимизнинг автобус номерини эслаб қопсиз, хотирангиз анча яхши бўп қопти, дадажониси, — деб пешонамдан силаб қўйди.

Энди эса ана шундай аёлни ранжитиб қўйиб мулзам бўлиб турибман. Ҳамма айб ўзимда. Хаёлпарастлигим қурсин, ўша кечаси уйқусираб майкамнинг ўрнига этагида тўри бор узунроғини кийиб, аёлларнинг юпқа шарфини бўйинбоғ қилиб тақиб келмаганимдаку, бу жанжаллар йўқ эди.

Мана, энди докторга опкетаяпти. Эсимни киритиб қўярмиш.

Лекин, бировга айтиб юрманг-у, синиқдан бошқаси юқади деганларича бор экан. Мана, хотиним шўрлик ҳам биз борадиган шифохона бошқа тарафда қолиб, тескари томонга олиб кетаяпти.

Ҳаҳ, эсларимиз қурсин-а...

**Ҳабиб СИДДИҚ.**
**Андижон тумани.**

ҲИКМАТ

***Ёмон ҳам ўтар,***
***яхши ҳам,***
***яхши бил,***
***Сени яхши ном***
***бирла ёд***
***этсин эл.***

Жумбоқ:



***4 ва 5 орасига шундай белги қўйиш керакки, ҳосил бўладиган сон 4 дан катта, 5 дан кичик сон бўлсин.***

**31 июн сонидаги жумбоқнинг жавоби**: XV. Бу ҳақда Қўшработ туманидан Иброҳимжон Шодиев, тошкентлик Улуғбекжон Абдураҳмонов, Марғилондан Омонулла Ғиёсовлар 136-29-89 телефони орқали қўнғироқ қилишди. Юқоридаги жумбоққа душанба куни қўнғироқ қилинг.

# Бўрини минган йигит

## Воқеа

Ёшим олтмиш бешга кирибдики, навқиронлигимдаги ҳодиса ҳеч эсимдан чиқмайди. Равотдан Зарбдорга кўчиб келганимиздан кейин отам касал бўлиб қолди. Эски ҳовлимиз чамаси 25 километрлар узоқда эди. Қаҳатчилик қурсин. Ўша ердан сомон ва ўтинларни эшак билан таший бошладим.

Уч қанор сомонни юклаб, йўлнинг ярмига яқинлашганимда, кун қоронғулаша бошлаганди. Бетоб ётган отамни кўргани борган қарияларга рўбарў келдим. Улар ҳол-аҳвол сўрашди. Чоллар гап-сўзидан отам оғирлашиб қолгандай туюлди, менга. Хаёл суриб бошқа томон кетиб қолибман.

Чўл-биёбон зим-зиё. Шу пайт хиёл нарироқда шарпа кўринди. Эшак таққа тўхтади. Унинг сағрисига қўлимни қўйдим: бир зумда терлаб кетибди. Ҳайратда олди томонига ўтдим. Эшагим шу онда юк-пуки билан келган изига қараб қочди. Қарасам, рўпарамда бўри турибди. Тўғриси, ўша лаҳзада бўри ҳам, мен ҳам қотиб қолдик. Бир оздан кейин ўйин бошланди. Бўри тупроқни мен томонга шундай отдики, ҳеч нарсани кўрмай қолдим. Қочишга ҳолим йўқ. Бақириқ-чақириқ фойдасиз. Шунда 25 ёшдаман. Ўзимга ўзим тасалли бердим: бўри бўлса бўптида, бу ҳам бир итдай ҳайвон. У тупроқни орқа оёғи билан сочавериб яқин келиб қолди. Қўлимда чамаси 60-70 см узунликдаги таёқчадан бошқа ҳеч вақо йўқ. Жон ҳолатда унинг михли томони билан бўри сағрисига урдим. Жони оғриди шекилли, нари кетди. Лекин барибир тупроқ отишда давом этарди. У кўзимга бошқа тушмаслиги учун тинимсиз ҳаракат қилиб, чарчаб қолдим. Хавотирга туша бошладим. Чўнтагимда гугурт борлиги эсимга тушди. Қанча донаси бўлса, барисини чақиб ташладим. Ердаги хас-хуслар ёниб кетди. Бўри оловни кўриб, бир зум тинч қараб қолди. Қўрқувданми, ҳаяжонданми, унинг устига қандай миниб олганимни ўзим сезмай қолдим. Аммо шу ҳолатни жуда-жуда кутган эдим. Ҳиқилдоғидан бўғиб, тумшуғини шудгорга босиб олдим. Жон ҳолатда шундай ёпишиб ҳаракат қилдимки, бўри ҳар қанча уринмасин, қўлимдан чиқиб кетолмади. Оёғи тобора шудгорга ботиб кетаверди. Бўшашиб ўзини ташлаб юборди. Ўлдирдим-а, деб мағрурланиб кетдим. Қўлимни бўшатган эдим, "ўлик" бўри қаттиқ силкинди-да, мени улоқтириб ташлади. Ҳа, ана энди ғажиб ташлайди, деб ўйладим. Бироқ ундай бўлмади. Бўри ҳам мендан қўрқиб қолган экан. Бир қарадию, ура қочди. Оллоҳ сақлади. Албатта, ҳаракатларим туфайлигина омон қолдим.

Бу воқеа билан шуни айтмоқчиманки, хоҳ тўрт оёқли йиртқич бўлсин, хоҳ икки оёқли душман бўлсин, ундан чекинмаслик керак. Ана шунда ҳар ким ўзини ўзи ҳимоя қила олади.

**Маматқул АЛИМОВ.**
**Зарбдор шаҳарчаси.**

# Абдулҳай Каримов ва унинг онаси

Таниқли ва севимли хонанда, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Абдулҳай Каримов ўзининг жозибадор концерт дастури билан бугун кеч соат 19.00 да «Туркистон» саройининг ёзги саҳнасида ўз мухлисларини кутиб олади.

Албатта, томошабинларни қизиқтирган саволлар бор. Яъни, хонанда концертни қандай янги қўшиқлар билан бойитади?

Илк ижро этиладиган қўшиқ «Ўғил бола» деб номланади. Сўнг «Боламга», «Сиз», «Эди» ашулаларига навбат берилади. Кейин яна... Концерт давомида хонанданинг тўнғич ўғли — Ички ишлар вазирлиги академиясининг курсанти Абдунозим тўлиқ, рафиқаси Марҳабохон эса қисман ижро этадиган ашулалари-ю илҳомбахш шеърлари билан мадад бўлиб туришади.

Яна бир янгилик шуки, концертга борганлар Абдулҳайнинг онаси —Хосиятхон Каримова билан ҳам танишарканлар.

**Г. ҲУСАНОВА.**




1889 йил 24 июнда Индиана штатининг Гиптон-Каунти шаҳрида аянчли мавжудот дунёга келган. Тиббиёт тарихида «эгизак Жонслар» деб қайд этилган бу мажруҳнинг умумий бадани, тескари қараган икки боши, қўшилиб ўсган тўртта оёғи ва иккита қўли бўлган. Бу мажруҳлар бир йил мобайнида оммавий томошага қўйилиб, 1891 йили Нью-Йорк яқинидаги Буффало деган жойда, «Авлиё Жон» меҳмонхонасида вафот этади.

* * *

1829 йилнинг май ойида Сардиния оролидаги Сассари шаҳрида 32 ёшли бир аёл икки бошли қизча туққан. Ҳар иккала бош танага алоҳида-алоҳида елка тизими орқали ўрнашган. Ота-она ўз фарзандига Рита-Кристина деб қўшалоқ исм берган. Иккала бошнинг таъби ҳар хил бўлиб, турли вақтларда овқатланар, ухлар ва йиғлар экан.

Мухбир бонг уради

# СИМ ЎҒРИЛАРИ

Кейинги вақтда Бекобод шаҳрида электр алоқа хизматидан фойдаланувчи мижозларнинг ҳафсалалари пир бўлмоқда. Сабаби - шаҳардаги тўққиз ярим мингга яқин телефоннинг салкам ярми "гунг ва соқов". Гап шундаки, алоқа линияларига номаълум кимсалар томонидан тажовуз қилинмоқда. Бу эса алоқачиларни мураккаб аҳволга солиб қўймоқда.

Бир гуруҳ муттаҳамлар шу йилнинг 11 март куни кеч соат 22 ларда 13-даҳанинг 7- ва 9-уйлари оралиғида жойлашган назорат қудуқларини очиб, қўшалоқ симли алоқа кабелининг 95 метрини кесиб кетишди. Натижада даҳадаги бир неча уй узоқ муддатга алоқасиз қолди. Қизиғи, мазкур қудуққа ўғрилар шу билан учинчи бор тушиши экан. Янаям ҳайратланарлиси, ўғрилар катта йўл бўйидаги ана шу қудуқ бетонини синдиришга анча-мунча вақт сарфлашганига қарамай, маҳаллий аҳоли, ҳатто сал наридаги болалар мусиқа мактабидан ҳам ҳеч ким сезмаган. Таажжуб.

Ови бароридан келган қароқчилар орадан кўп ўтмай шаҳар ҳокимлиги биноси рўпарасида жойлашган назорат қудуғини очишади ва 50 метр алоқа кабелини ўмариб кетишади. Кабелга тиғ теккизилган заҳоти сигнализация ишга тушган, албатта. Аммо милиция ходимлари воқеа содир этилган жойга етиб келганларида ўғрилар аллақачон "қуён" бўлишганди.

Таассуфки, шаҳарда алоқа тармоқларига нисбатан бўлаётган бу тахлит тажовузлар одатий ҳолга айланиб қолган. "Тошкент-телеком" акциядорлик жамияти Бекобод шаҳар бўлими мазкур сурбетликлар натижасида ўтган йили 5,5 миллион сўм зарар кўрган эди. Жорий йилнинг ўтган тўрт ойи мобайнида ҳам алоқа линиялари бир неча бор таланди.

— Зараркунандалар билан олишавериб чарчадик, — дейди бош муҳандис М.Қамбаров. — Рости, одамларимиз кабелни улашгаям безиллаб қолди. Чунки кўп ўтмай яна ўғирлаб кетишаяпти. Заҳирадаги кабелларимиз ҳам аллақачон тугаб бўлди.

Алоқа хўжалиги бошига кулфат бўлиб тушаётган бундай безориликлар фақат Бекободда кузатилаётгани йўқ. "Тошкент-телеком" ҳиссадорлик жамиятининг Ангрен, Олмалиқ, Янгийўл, Пскент, Чирчиқ бўлимлари ҳам ўғирликдан азият чекмоқда. Сурбет зараркунандалар Пскентда ҳатто АТС биносигача бостириб киришди. Бундай ноҳуш ҳодиса Ангренда ҳам содир этилди. Шаҳарни Янгиобод қўрғони билан боғловчи кабелнинг 400 метри ўмарилди. Жамият ана шу икки жиноий ҳолатнинг ўзидан 34 миллион сўм зарар кўрди.

Тўғри, алоқа қурилмалари, линияларни ҳимоя қилиш учун муайян ишлар олиб борилмоқда. "Тошкент-телеком" акциядорлик жамияти мутахассислари алоқа линияларини тажовуздан сақлаш мақсадида хилма-хил ва замонавий воситаларни соҳага жорий этаётир. Бу ерда шкафларнинг деярли ҳаммасига қулф ўрнатилган, назорат қудуқлари электропайвандлаш, бетонлаш йўли билан зичлаб бекитилган. Бироқ бахтга қарши сигнал тизими алоқа кабелларига шикаст етказилаётган пайтдагина ишга тушади. Қизил чироқлар дарҳол ёниб, қўнғироқлар жиринглаганида ўғрилар алоқа кабелига тиғ текизиб улгурган бўлади.

Бундай қабиҳликлар содир этилишининг сабаби эса оддий ва бачкана. Давлат, умумхалқ алоқа линияларидан ўғирланаётган кабеллар хомашё — мис тарикасида жиноятчилар томонидан ён қўшни давлатларга арзимас пулга сотилмоқда. Миш-мишларга қараганда, вилоятнинг айрим шаҳарларида бундай хомашёни қабул қилувчи яширин пунктлар фаолият кўрсатмоқда.

Алоқачилар ўтган йили ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари билан бирга олиб борилган тезкор ҳаракатлар натижасида Бекободдаги бир неча ана шундай яширин қабул пунктлари фош этилганини, бир неча тонналаб алоқа кабелларидан олинган мис давлат фойдасига мусодара этилганини, жиноятчиларнинг уюшган гуруҳи жазога тортилганини бизга гапириб беришди.

Шу ўринда Ички Ишлар вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Почта ва телекоммуникация агентлигининг қўшма буйруғига биноан алоқа линияларида назоратни кучайтириш бўйича жойларда бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилиши назарда тутилганини ҳам айтиб ўтиш керак. Тошкент вилояти ҳокимлигида ҳам ўтган йилнинг бошларида мис ўғирлигининг олдини олишга бағишлаб катта йиғилиш ўтказилган, алоқачилар билан бирга ички ишлар бошқармаси ва бўлимлари, божхона хизмати ходимлари зиммасига масъулиятни кучайтириш юклатилган эди. Афсуски, бу борадаги тадбирлар баъзан енгил-елпи бажарилмоқда. Алоқачиларнинг бундай талон-тарожликларга барҳам беришда ёрдам сўраб қилаётган мурожаатлари ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари томонидан жиддий ўрганилаяпти, деб бўлмайди.

Алоқа иншоотлари, қисқа ва олис масофаларга чўзилган алоқа каналлари бус-бутунлиги ва дахлсизлигини тўла-тўкис таъминлаш бугунги шароитда хийла мураккаб вазифа бўлиб қолаётгани ҳам табиий. Бу борада, эҳтимол, янада такомиллаштирилган воситаларни ишга солиш керакдир. Шу ўринда қимматбаҳо телефон қурилмалари ва линиялар муҳофазасини шартнома асосида ички ишлар идораларига топшириш таклифлари ҳам билдирилмоқда. Бироқ ҳозирча бирон шаҳар ё туманда қўриқлов хизмати ходимлари ўзларига бириктирилган ҳудудда эътиборсизликлари туфайли етказилиши мумкин бўлган зарарни тўла-тўкис қоплаб бериш мажбуриятини олаётгани йўқ.

**Н.ДУШАЕВ,**
**ЎзА мухбири.**


НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ РАҲБАРИЯТИ

мазкур университетни турли йилларда битирганларга олий маълумот олганлигини тасдиқловчи дипломларини олиб кетишларини сўрайди.

*Дипломни олиш учун паспорт ва иш жойидан маълумотнома бўлса кифоя.*





Марказий банк Фарғона вилоят бош бошқармаси ва Фарғона вилоят инкассация бошқармаси жамоалари Ўзбекистон Республикаси Инкассация бирлашмаси бош директори Ҳамдам Носировга онаси **Маҳфуза МАШАРИПОВАнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Ўзгўштсутсаноат» давлат-акциядорлик жамоаси уюшма раиси ўринбосари А.Муҳамедов ва оила аъзоларига волидаи муҳтарамаси — Ўзбекистонда хизмат кўрсатган врач **Жўрахон ая ХОЛБОТИРОВАнинг** вафоти туфайли чуқур таъзия изҳор этади.


**«ХАЛҚ СЎЗИ»**
**«НАРОДНОЕ СЛОВО»**

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

**Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ**

**Таҳрир ҳайъати:**
**Э. БОЛИЕВ** (масъул котиб — «Халқ сўзи»),
**М. ЕГОРОВ** (масъул котиб — «Народное слово»),
**Ш. ЖАББОРОВ** (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»),
**С. ЗИНИН,**
**М. МИРАЛИМОВ,**
**С. МУҲИДДИНОВ,**
**Ш. РИЗАЕВ,**
**М. САФАРОВ,**
**Р. ФАРҲОДИЙ,**
**И. ХУДОЁРОВ,**
**И. ШОҒУЛОМОВ,**
**О. ҚАИПБЕРГЕНОВ** (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»),
**Ў. ҲОШИМОВ.**

**БЎЛИМЛАР:**
*Ижтимоий-сиёсий ҳаёт* — 133-57-34; 133-78-92
*Иқтисодиёт* — 136-36-65; 132-10-65
*Маънавият ва маърифат* — 136-35-60;
*Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар* — 136-29-89, 133-07-48;
*Фан, соғлиқни сақлаш ва халқ таълими* — 132-12-08;
*Янгиликлар ва халқаро ҳаёт* — 132-11-15;
*Котибият* — 133-10-28;
*Эълонлар* — 136-09-25.

**Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00001-рақам билан рўйхатга олинган.**
Буюртма Г — 2515, 26098 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2.

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ҳамда операторлар **Ж. ТОҒАЕВ** ва **З. БОЛТАЕВ** томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — **Ю. ҲАМИДОВ.**
Навбатчи муҳаррир — **А. ҲАЙДАРОВ.**
Навбатчи — **Ҳ. КАРИМОВ.**
Мусаҳҳиҳ — **Ш. МАШРАББОЕВ.**

**МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.**

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

**«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.**

*Босишга топшириш вақти — 21.00.*
*Топширилди — 21.50*
1 2 3 4 5 6